



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI HAY’AT QARORI

2023-yil 17-iyul

№ 6/1

Toshkent sh.

**Вазирлик тизимида 2023 йилнинг I ярми давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида**

Вазирлик ҳайъати қайд этадики, 2023 йилнинг I ярми давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Ҳисобот даврида:

сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш бўйича 2023 йилда 7 млрд. м<sup>3</sup> сувни иқтисод қилиш режалаштирилган бўлиб, амалда жами 3,1 млрд. м<sup>3</sup> сув иқтисод қилинган;

473,5 минг га ерда томчилатиб, 44,7 минг га ёмғирлатиб, 18 минг га дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган, 83,9 минг га эгилувчан қувур ҳамда 50 минг га эгатга плёнка тўшаб суғорилган, 569,1 минг га майдонларда ерларни лазерли ускуна ёрдамида текислаш ишлари амалга оширилган;

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 462,2 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилиб, 131,3 км каналлар, 24,6 км лоток тармоқлари, 3 та гидротехник иншоот, 0,2 м<sup>3</sup>/с насос станция, 3,1 км босимли қувурлар, 25 та суғориш қудуғи, 2 та кўприк қуриш ва 140,8 км очик ҳамда 59,1 км ёпиқ-ётиқ коллектор дренаж тармоқлари, 20 та гидротехник иншоот, 10 та тик дренаж қудуғи ва 55 та кузатув қудуқларида реконструкция қилиш ишлари бажарилган;

мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 62,6 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилиб, 55,6 млрд. сўм маблағлар молиялаштирилган бўлиб, 1 681,8 км коллектор-дренаж тармоқлари таъмирланган ва тикланган;

183,1 млрд.сўм маблағлар эвазига 51 км суғориш тармоқларини янгидан қурилган ва 82 км қисми таъмирланган, 20 км коллектор янгидан қурилган ва 76 км таъмирланган, 144 дона тик суғориш қудуғи ва 41 дона насос агрегатлари қурилган, 115 км электр линиялари тортилган ва 12 953 гектар ер майдонларида агротехника тадбирларни амалга ошириш натижасида жами 15 971 гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилган;

40,8 млн доллар, жумладан, 36,2 млн доллар хорижий кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 4,56 млн доллар ўзлаштирилган, лойиҳалар доирасида республика бюджетидан жами 208 млрд. сўм ажратилган бўлиб, амалда 130 млрд сўм молиялаштирилган бўлиб, 228,5 км каналлар ва улардаги 259 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилинган, 100 та кўприк қурилган, натижада 100 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланган, лойиҳалар ҳудудларида каналларнинг фойдали иш коэффициенти 10,0 фоизга оширилган;

насос станцияларга энергия тежамкор қурилмалар ўрнатиш, насос станцияларни график асосида бир хил режимда ишлатиш натижасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 83,4 млн.кВт.соат электр энергияси ёки 83,4 млрд.сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинди;

вазирликнинг янгиланган 54 та функцияларини рақамлаштириш бўйича Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида рақамлаштирилган функциялар сони 13 тадан 43 тага, ёки 80 фоизга етказилган, 13 204 та рақамлаштириш қурилмалари ўрнатилган, шундан 6409 та “Ақлли сув”, 5304 та “Дайвер” қурилмаси, 45 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда 1446 та насос станцияларида сув миқдорини онлайн мониторинг қилувчи қурилмалар ўрнатилган;

**Лекин**, эришилган натижалар билан бирга ҳисобот даврида бир қатор хато ва камчиликларга, қолоқликларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

154,6 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари ва қурувчи-пудрат корхоналари ўртасида пудрат шартномалари расмийлаштирилган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикасида 8,0 фоиз, Наманган ва Самарқандда 14,0 фоиз, Навоийда 22,0 фоиз, Жиззах ва Сурхондарёда 29,0 фоиз ҳамда Бухоро вилоятида 32,0 фоиз майдонлар учун кредит папкалари тижорат банкларида тақдим этилган;

молиялаштирилган майдонларга нисбатан Сирдарё вилоятида 7,0 фоиз, Жиззахда 11,0 фоиз, Тошкентда 16,0 фоиз, Навоийда 17,0 фоиз, Хоразмда 21,0 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 23,0 фоиз майдонларда технология ишга туширилган;

ғалла майдонларида ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш тадбирлари Сирдарё вилоятида 2,0 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 16,0 фоиз, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида 30,0 фоиз ва Андижонда 40,0 фоизга бажарилган;

соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш учун маҳаллий бюджетлардан 286,8 млрд сўмдан 75,16 млрд сўм (*бор-йўғи 26,0 фоиз*) ажратилган бўлиб, 2023 йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижроси таъминланмасдан қолган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида “Ақлли сув” қурилмаси, Қашқадарё вилоятида Дайвер” қурилмаси умуман ўрнатилмаган;

“Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)” лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш кечиктирилмоқда;

“Қорақалпоғистонсувқурилишинвест” давлат муассаси томонидан Нукус шаҳридан ўтувчи “Дўстлик” каналини реконструкция қилиш (3-босқич) объектида жорий йилда ажратилган лимитнинг 13,0 фоизи, Амударё туманидаги “Манғит-арна” каналини ПК268+00 дан ПК316+00 гача реконструкция қилиш объектида 18,0 фоизи, Нукус туманидаги “Нукус” коллекторини қуриш (3-босқич) объектида 14,0 фоизи ўзлаштирилган бўлса, Бўзатов туманидаги “Амударё” дарёсининг ПК900 қисмида 2 дона НДН-24 насос агрегатини ўрнатиш ҳамда Мелиоратив кузатув кудуқларини таъмирлаш объектларида эса ишлар умуман бошланмаган;

юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янги ташкил топаётган техник сув истеъмолчилари билан, шунингдек, энергетика ва саноат ташкилотлари билан шартномаларни тузиш ишлари, бундан ташқари, мавжуд ирригация ва мелиорация объектлари фойдаланишидаги ер майдонларини хатловдан ўтказиш ишлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича етишмаётган маблағларни маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш борасидаги ишлар қониқарсиз ҳолатда.

Юқорида қайд этилган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, ҳайъат йиғилиши

### **Қарор қилади:**

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий апаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2023 йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасидаги амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини кечиктириб бажариш, шунингдек, белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминланмаслик ҳолатларидан тегишли хулоса чиқариши, шахсий масъулият ва жавобгарликни, ҳар бир ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этмаслик ҳолатлари учун **интизомий жазо муқаррарлигини ҳис этган ҳолда фаолиятини ташкил этиши уқтириб ўтилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли қарори ижросини тўлиқ даражада бажармаганлиги, суғориш қудуқларини сув тежовчи технологиялар жорий қилмасдан ишлатганлиги учун Пайариқ туман насос станцияси участка бўлим бошлиғи (Б.Шарипов), Чуст (М.Холдоров), Чирокчи (А.Каримов) ва Касби (А.Азизкулов) туманларидаги тик қудуқлар бўлим бошлиқларининг **эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон қарори билан рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича жорий йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги учун Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Б.Қурбонов ҳамда Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Турсуновга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 181-моддасининг 1-қисмига мувофиқ **“ҳайфсан” эълон қилинсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2023 йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги, зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги, ирригация ва мелиорация объектларида олиб борилган назорат-текширув натижаларида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида зарурий чора-тадбирлар кўрмаганлиги учун “Қорақалпоғистонсувқурилишинвест” давлат муассасаси директори И.Мамбетовга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 181-моддасининг 1-қисмига мувофиқ **“ҳайфсан” эълон қилинсин.**

5. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи Х.Лапасов ва Юридик бўлим бошлиғи Р.Шаропов ушбу хайъат йиғилиши қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга нисбатан қўлланилган жазони расмийлаштириш бўйича **3 кун муддат ичида “Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида”ги** буйруқ лойиҳасини киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “*Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*”ги ПҚ-5005-сон қарори билан сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сув хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича 2023 йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашда сусткашлик ва қолоқликларга йўл қўйганлиги ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири А.Реимбаев, Қуйи-Сирдарё (Ш.Исраилов), Сирдарё-Зарафшон (М.Турдибоев), Қуйи-Зарафшон (А.Убайдуллаев), Чапқирғоқ Амударё (О.Тоиров) ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларига **сўнги мартаба огоҳлантириш эълон қилинсин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 2023 йилнинг I ярмига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашда сусткашлик ва қолоқликларга йўл қўйганлиги учун “Жиззахсув-қурилишинвест” давлат муассасаси директори А.Қаршибоев, “Сирдарёсувқурилиш-инвест” давлат муассасаси директори Д.Исмаилов ҳамда “Сурхондарёсувқурилиш-инвест” давлат муассасаси директори С.Авазовларга **огоҳлантириш эълон қилинсин.**

**Белгилаб қўйилсинки,** ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 2023 йилнинг 9 ойига белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижроси ўрнатилган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминламаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан **эгаллаб турган лавозимидан озод этишигача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

7. Вазир ўринбосари Р.Қаршиев, Сувни тежайдиган, илмий ва инновацион технологияларни жорий қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Холмуроджонов, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари билан биргаликда:

**5 кун муддатда** сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича қурувчи корхоналар билан расмийлаштирилган пудрат шартномаларига мувофиқ кредит маблағларини ажратишда зарур бўлган ҳужжатларни тижорат банкларига тақдим этиш чораларини кўриш;

**10 кун муддатда** 2019-2022 йилларда пахта майдонларида жорий қилинган томчилатиб суғориш технологиясини жорий йилда тўлиқ қайта ишга тушириш, шунингдек 2023 йилга белгиланган режа-прогноз кўрсаткичларига мувофиқ пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича молиялаштирилган майдонларда қурилиш-монтаж ишларини яқунлаш ҳамда натижаси бўйича вазир номига ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

**15 кун муддатда** 2022 йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича давлат бюджетидан субсидия маблағларининг 50 фоизи ажратилган пахта майдонларида жорий йилда технологиядан фойдаланиш ҳолатини мониторинг

қилиш ҳамда қолган 50,0 фоиз субсидия маблағларини ажратилиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш;

**20 кун муддатда** биринчи ярим йиллик учун сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича белгиланган режа прогноз кўрсаткичларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш ҳамда вазирликка ҳисобот бериш вазифалари юклатилсин.

8. Вазир ўринбосари Д.Ходжаҳмедов, Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш бошқармаси бошлиғи М.Қурбонов ҳамда “Сувқурилишинвест” давлат муассасаси директорларига:

**5 кун муддатда** “Питнақсувқурилишинвест” ДМ (С.Юлдашев) билан биргаликда Туямўйин гидроузели Султонсанжар дамбаси сув фильтрациясига қарши тупроқ ичида девор қуриш объекти бўйича ишлаб чиқилган ишчи ҳужжатларига “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг ижобий экспертиза хулосаси олиншини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган йиғилиш баёнлари топшириқлари асосида Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 16 июндаги 49-сонли баёни билан вазирликка қўшимча ажратилган 91,0 млрд.сўм лимит ҳисобига янгидан киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини тезлаштириш;

Бахмал туманидаги “Боғимозорсой” сел-сув омборини қуриш (2-босқич) объектининг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган лойиҳа-смета ҳужжатларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишишни тезлаштириш;

**ҳар 10 кунда** ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини вазирликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа (ВКА) шаклида танқидий руҳда муҳокама қилиб, барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда уларнинг ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, ирригация тизим бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари раҳбарларига:

**3 кун муддат ичида** жойларда 2023 йилнинг I ярми давомида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қоқоқликлар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, ҳайъат йиғилишига тақдим қилинган маълумотномада қайд этилган хато-камчиликлар ва қоқоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан **вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқиш, унинг ижроси ҳақида **ҳар ой якуни билан** вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

**3 кун муддат ичида** 2023 йилда пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилишига қарамасдан қурилиш-монтаж ишларида қоқоқликка йўл қўйганлиги учун Марҳамат, Когон, Қоравулбозор, Қамаш, Миришкор, Навбаҳор, Косонсой, Наманган, Чортоқ, Каттакўрғон, Қизирик, Боёвут, Гулистон, Сардоба, Сирдарё, Ховос, Бекобод, Қуйи-Чирчиқ, Ўзбекистон, Қўшқўпир ва Тупроққалъа туман ирригация бўлими бошлиқларидан тушунтириш хати олиш ва эгаллаб турган лавозимида қолиш қолмаслик масаласини кўриб чиқиш;

**3 кун муддат ичида** мелиоратив техникалардан, машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш, масъул ходимлар жавобгарлигини кучайтириш, носоз техникаларни таъмирлаш чораларини кўриш бўйича тизим ташкилотлари раҳбар-ходимлари иштирокида танқидий йиғилиш ўтказиш ва йиғилиш баённомасини вазирликка тақдим қилиш;

**беш кун муддатда** 2020-2022 йилларда амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида битим шартларига кўра хусусий шериклар томонидан 2022 йилда мўлжалланган инвестиция мажбуриятларининг ижроси юзасидан ҳар бир лойиҳа бўйича хусусий шериклар билан музокаралар олиб бориш ва натижаси бўйича маълумотларни (*йиғилиш баёни ва фото суратлар*) вазирликка тақдим қилиш;

**бир ҳафта муддатда** 2023 йилда амалга оширилаётган хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида ирригация объектларида пудратчиларга қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун етарли даражада иш фронтини яратиб бериш бўйича сувни тўхтатиш графигини тасдиқлаб, унга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

**10 кун муддат ичида** вазирлик тизимидаги бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига маблағлар тушими бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг ижросини таъминлаш бўйича ҳар ойга мўлжалланган тармоқ жадвал ишлаб чиқиш, унинг ижросини ҳар ой якуни билан мунтазам равишда Қорқалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда тизим ташкилотларининг аппарат йиғилишларида танқидий руҳда муҳокама қилиб, унинг ижросини таъминлашга масъул шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

**жорий йилнинг 1 августига қадар** сув хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва индикаторлар ижросини таъминлаш мақсадида, ўрнатиладиган рақамли қурилмаларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағларни тўлиқ молиялаштирилишини, ўрнатилаётган рақамли қурилмаларни вазирлик серверлари билан доимий боғланишини ва техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келишини таъминлаш;

**бир ой муддатда** рақамли қурилмаларни сув хўжалиги объектларига ўрнатиш ва уларни вазирлик сервери билан ўзаро боғлаш жараёнларини ташкил ва таъмин этиш;

жойларда сув танқислигини юмшатиш бўйича сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш, сувчилар сонини ошириш ва сувни қаровсиз қолдирмаслик, ички ариқларни бегона ўтлардан тозалаш, экин майдонини суғоришга тўлиқ ва талаб даражасида тайёрлагандан кейин сув очиш, навбатлаб, эгат оралатиб ва шарбат билан суғориш, суғориш муддатлари ва меъёрлари ҳамда сув олиш лимитлари қатъий амал қилиш;

Гидрометрия хизматини тартибга солиш ва сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш мақсадида 2023 йил давомида режалаштирилган гидропостларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

мелиоратив кузатув кудуқларни автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш, мелиоратив объектларга кадастр хужжатларини расмийлаштириш, коллектор-дренаж тармоқлари бўйларида бўш турган ерларда унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда ёрдамчи хўжалик ривожлантириш бўйича белгиланган режага кўрсаткичлар ижросини тўлиқ таъминлаш;

ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиш учун республика бюджетидан маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган тизим

ташкilotлари кўшимча талаб этиладиган маблағларни молиялаштириши юзасидан ҳудудий молия органларига мурожаат қилиш ҳамда ажратилган маблағларни ўзлаштирилишини сўзсиз таъминлаш;

саноат ва энергетика корхоналарига етказиб берилаётган ҳар ойлик техник сувнинг миқдори ва ҳисоб-китобига аниқлик киритиш, етказиб берилган техник сув учун тўловларни вақтида ундириб бориш, ўз вақтида тўловларини амалга оширмаган истеъмолчиларга нисбатан маблағларни ундириш бўйича иқтисодий судларга тегишли даъво аризаларини киритиш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилиш;

**ҳар ўн кунда** сув хўжалиги тизим ташкilotлари ҳисобидаги вилоятлараро ва туманлараро гидропостлар тўғрисидаги (жойлашган манбаси, пикети, гидропост тури, сув ўтказиш қобилияти, жихозланиши) маълумотларни аниқлаш ва ягона маълумотлар базасига киритиб борилиши юзасидан ҳисоботларни тақдим этиш;

**ҳар ойда** кейинги ойнинг 5 санасига қадар етказиб берилган сувнинг ҳажми ҳамда кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари тўғрисида далолатномаларни, шунингдек, иқтисод қилинган электр энергияси миқдорлари бўйича тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган ҳисоботларни вазирликка тақдим қилиш;

**ҳар ойда** электр энергияси учун ҳақиқатда ажратилган маблағлар бўйича насос станцияларни ишлатиш юзасидан тегишли графикларни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқлатиш ва шу асосида насос станцияларни ишлатилишини сўзсиз таъминлаш;

насос станцияларга ўрнатилиши режалаштирилган электродвигател, қуёш электр панеллари, қуёш сув иситиш қурилмалари, конденсатор қурилмаларини ҳамда частота ўзгартирувчи қурилмаларни сотиб олинишини ва ўрнатилишини тўлиқ таъминлаш;

**ҳар ойда** 2020-2022 йилларда амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг битим мажбуриятларидан келиб чиқиб, молиялаштиришда хусусий шерик томонидан бюджет маблағларини мақсадли сарфланганлиги тўғрисида тақдим қилган ҳисоботи ва талабномасига асосан молиялаштириш ҳамда бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

**доимий равишда** ишлаётган қудуқларни назорат қилиб, унга боғланган майдонларга сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилмаган бўлса уларни дарҳол ўчириш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

10. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг бажарилишини таъминлаш вазирнинг тегишли ўринбосарларига ва унинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров зиммасига юклатилсин.

**Ҳайъат раиси**



**Ш. Хамраев**